O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2005 йил 23 февраль, № 37 (3582) Чоршанба

БУНЁДКОРЛИК СОЛНОМАСИ



ЭСКИ ШАҲАРНИНГ ЯНГИ ТАРИХИ ЯРАТИЛМОҚДА

«Тошкентни Тошкент қиладиган, унга файзу тароват бағишлайдиган қадимий шаҳримизнинг даҳалари, маҳаллалари, дарвозалари десак, хато бўлмайди. Шу маънода, Эски шаҳар — қадимийлик, миллийлик тимсолидир».

Ислом КАРИМОВ

Бугун буюк неъмат бўлган Мустақил лигимизнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти, мазмун-моҳияти ҳақида гап кетганида, мустабид тузум даврида ҳам халқимиз ўзлигини намоён этиш истак-хоҳишида бўлганини, лекин унинг бу салоҳияти бўғиб келинганини таъкидлашга тўғри келади. Истиқлол туфайли қайта кашф этилган, худди лойқа босиб ётган булоқ кўзларидек очиб юборилган қудратли куч — бу, халқимизнинг бунёдкорлик салоҳиятидир. Халқимизнинг қурмоқ, яратмоқ шижоати нималарга қодир эканини мамлакатимизнинг бугунги жўшқин ҳаёти мисолида яққол кўриш мумкин.

Ўтган йиллар мобайнида Юртбошимизнинг ташаббуси билан Ўзбекистон улкан қурилиш майдонига айланди. Ана шу бунёдкорлик кўламини биз юртимизнинг кун сайин чирой очиб бораётган шаҳарлари, туманлари, қишлоқлари, маҳаллалари жамолида кўриб, ҳис этиб турибмиз. Барпо этилган замонавий корхоналар, янги йўллар, маҳобатли кўприклар, меҳмонхоналар, уй-жой мажмуалари, боғ ва хиёбонлар, қайта қуриш ва ободончилик ишлари...

Таъбир жоиз бўлса, истиқлол йилларида Ўзбекистонда қурувчилик ва бунёдкорликнинг ўзига хос меъморий мактаби яратилди. Бу мактабнинг асосчиси, шаксшубҳасиз, Президент Ислом Каримовдир.

Айниқса, давлатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуси ва саъй-ҳаракати билан пойтахтимиз — Тошкентда амалга оширилаётган кенг қамровли бунёдкорлик ишлари алоҳида салмоқ ва кўламга эга.

Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, **«Барчамизга қадрдон бўлган бу азим, гўзал ва бетакрор шаҳар нафақат мустақил давлатимизнинг пойтахти, балки юртимизнинг қиёфасини белгилайдиган, серкуёш диёримизнинг бутун кўрку тароватини ўзида намоён этадиган Ватанимиз остонасидир».**

Ватанимизнинг муқаддас остонаси — Тошкент, ҳеч муболағасиз, ҳозирги кунда тубдан ўзгарди, яшариб-яшнади, янгиланди. Бугун пойтахтимиз нақадар мўъжизакор қиёфа касб этганини фақат самодангина тўла-тўкис кузатиш мумкин. Чунки, шаҳар ичида юрганингизда бу улкан ўзгаришларни дафъатан учқур хаёл билан ҳам қамраб олиш имкони йўқдай...

Бу ҳақда гапирганда, бевосита Юртбошимизнинг раҳбарлигида 2004 йилда пойтахтимизнинг Мустақиллик майдонида барпо этилган Сенат биносини алоҳида фахр ва ифтихор билан тилга оламиз. Ўзбек халқининг қадимий маданияти, шарқ ва ғарб меъморчилигининг энг мумтоз жиҳатларини ўзида мужассам этган бу бино, таъбир жоиз бўлса, ушбу майдоннинг гултожига айланди. Истиқлолимизнинг ўн уч йиллиги байрами арафасида фойдаланишга топширилган Ўзбекистон тасвирий санъат галереяси биноси ҳам шаҳримизнинг ҳуснига ҳусн қўшган бетакрор санъат обидаси бўлди. Бу ўзига хос ва бетакрор иншоотлар наинки ички маҳобати, мазмун-моҳияти, балки ташқи жозибаси билан ҳам ўзбек меъморчилигининг юксак намуналаридир. Пойтахтимиз ва мамлакатимизнинг шаҳар ҳамда қишлоқларида олиб борилаётган бундай бунёдкорлик ишлари рўйхатини яна давом эттириш мумкин.

Шуни айтиш керакки, мамлакатимиз пойтахтида юз бераётган беқиёс ўзгаришлар нафақат ватандошларимизни, балки хорижий меҳмону сайёҳларни ҳам ҳайратга солмоқда. Германиялик сайёҳ жаноб М. Берталь ўз таассуротларини шундай изоҳлайди: «Самолётимиз ерга қўнаётган дақиқанинг ўзидаёқ Тошкент қандай гўзал шаҳар эканини кўриш мумкин эди. Биз Тошкентга анча қоронғи тушган пайтда келдик, атрофда электр чироқлари порлаб турар, кўчалар кенг, ёп-ёруғ эди. Айниқса, шаҳардаги боғлар, хиёбонлар, фавворалар мени ҳайратга солди».

Франциялик дипломат Жан Франсуа Легрен эса шундай дейди: «Тошкентда икки йилдан бери яшаб турибман. Ана шу икки йил ичида Ўзбекистон пойтахти киши кўз ўнгида гуллаб-яшнаб кетди. Замонавий архитектура кўҳна қурилиш мажмуасига кенг кириб бормоқда, қайта тикланган тарихий бинолар эса ўзининг асл қиёфасини сақлаб қолмоқда».

Бугун шаҳримизнинг барча ҳудудларида олиб борилаётган бунёдкорликлар, янгиланишларнинг асл мақсади, аввало, аҳоли фаровонлигини ошириш, юрт ободлигини таъминлаш, Тошкентни жаҳондаги энг замонавий шаҳарлардан қолишмайдиган масканга айлантиришга қаратилгани билан эътиборлидир.

Азим Тошкентнинг шундай муборак қадамжолари, обидалари, бетакрор манзилгоҳлари, улуғ сиймолари борки, улар бутун мамлакатимиз, миллатимиз учун том маънода миллий уйғониш, маънавий ибрат ва маърифат намунаси бўлиб келади. Пойтахтимизнинг қадимий, бой тарихида ўзига хос ўрин эгаллаган даргоҳлардан бири эса Эски шаҳар даҳасидир.

Ҳикоямиз сўнгги йилларда Эски шаҳар ҳудудида амалга оширилган ва қизғин давом эттирилаётган улкан бунёдкорлик ишлари ҳақида.

* * *

Эски Жўвада бир табаррук маскан бор. Мана, бир асрдан ошдики, у одамларга маърифат, зиё улашиб келади. У нафақат Эски шаҳар аҳли, пойтахтликлар, балки бутун мамлакат зиёлилари яхши биладиган, интиладиган, кўҳна «Турон» кутубхонасидир. Бу кутубхонага кириб Тошкент ва унинг тарихига оид китоблар, қўлёзмаларни варақлар экансиз, Эски шаҳарнинг юртимиз ҳаётида қанчалик муҳим роль ўйнаганини, бу ердан етишиб чиққан не-не алломалар халққа сидқидилдан хизмат қилганининг гувоҳи бўласиз. Кутубхонанинг ўзи юз йиллик тарихга эга, лекин унинг нодир китоблари минг йиллик ўтмишимизнинг кўзгусидир. Чунончи, бу ердаги манбаларда Шайх Ховонд Тоҳур, Туркистон ва Хуросонда пиру муршид мақомига кўтарилган Хожа Аҳрор Валий, қасидачиликда шуҳрат тараттан шоир Бадриддин Чочий, ҳазрат Навоий ўз тазкирасида меҳр билан тилга олган истеъдод соҳиби Аълоий Шоший, муаррихлардан Банокатий, Ҳофиз Кўҳакий, Абубакр Шоший, Мирза Олим Тошкандий, Ёрмуҳаммад Тошкандий ва бошқа улуғ зотлар ҳақида қизиқарли ва ноёб маълумотларни учратиш мумкин.

(Давоми 2-бетда).

ҲОКИМЛАРНИНГ МИНТАҚАВИЙ ЎҚУВИ

Бухоро, Навоий ва Самарқанд вилоятлари ҳокимлар ўринбосарларининг ҳамда туманлар ҳокимларининг минтақавий семинар-тренинги бошланди.

Ўн кун давом этадиган машғулотларда иштирокчилар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси ҳамда давлатимиз раҳбарининг ҳукуматнинг янги аъзолари билан учрашувидаги нутқида белгилаб берилган вазифаларнинг ижросини таъминлаш, хусусан, иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш, аграр тармоқдаги, ижтимоий соҳадаги янгиланишлар билан боғлиқ масалалар юзасидан фикрлашади.

— Семинарлар очиқ мулоқот тарзида ўтаётгани уларнинг самарадорлигини янада оширмоқда, — дейди Самарқанд тумани ҳокими Б.Саъдуллаев. — Уларда иқтисодий ислоҳотлар ҳозирги босқичининг мазмун-моҳияти, ислоҳотлар ва эркинлаштириш жараёнидаги тўсиқларни бартараф этиш йўллари, хусусий секторнинг минтақа ривожидаги улушини кўпайтириш чоралари, ҳокимларнинг маҳаллий ҳомашёга асосланган хусусий корхоналар ташкил этишдаги ўрни хусусида фикрлашяпмиз. Натижалар таҳлил этиляпти.

Семинар очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.Азимов, Самарқанд вилояти ҳокими М.Нурмуродов иштирок этди.

Акбар ҚАРШИЕВ, ЎзА мухбири.

Давлат солиқ қўмитасининг ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида ҳамда ҳукуматимизнинг янги тайинланган аъзолари билан ўтказилган кенгашда сўзлаган нутқида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш ва солиқ органларининг 2004 йилдаги фаолияти якунларига оид масалалар муҳокама этилди.

ЙИЛ ЯКУНЛАРИ:

ЮТУҚ ВА МУАММОЛАР

Ҳукуматимизнинг 2004 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларига бағишлаб ўтказилган мажлисида солиқ идоралари олдига қўйилган вазифаларнинг бажарилишига ҳам жиддий эътибор қаратилди.

Таъкидланганидек, 2004 йил учун давлат бюджетига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш юзасидан белгиланган кўрсаткичлар 103,3 фоизга бажарилди. Умумий тушумлар ҳажми 2003 йилга нисбатан 120,2 фоизни ташкил этди. Республика бўйича белгиланган асосий саккизта солиқ манбаининг барчасида кўрсаткичларнинг бажарилиши таъминланди.

Мамлакатимиз ички истеъмол бозорига товарлар олиб кириш ва сотиш тартибига қатъий риоя этиш, пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини қисқартириш, нақд пул тушумини кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратиляпти.

Йиғилишда бу борадаги ишларни бажаришда масъулиятсизликка йўл қўяётган раҳбар ходимлар танқид остига олинди. Солиқ органлари ходимлари орасида ҳали ҳануз ўз мансабини суиистеъмол қилувчи, таниш-билишчилик иллатларига берилган лоқайд шахслар йўқ эмас. Қолаверса, улар орасида солиқ қонунчилигини бузаётган тадбиркорларга паноҳ бўлаётганлари ҳам мавжуд.

Қўмита матбуот хизматидан маълум қилишларича, мажлисда бундай салбий иллатларга қарши курашда суст фаолият кўрсатаётган, шахсий таркиб ўртасида профилактик ишларни талаб даражасида ташкил этмаган, хизмат малакаси паст мансабдор шахсларнинг 24 нафарига қатъий чоралар кўрилиб, 12 нафари лавозимидан озод этилган.

Бундай ҳолатлар такрорланмаслиги учун назорат ишларини янада кучайтириш, тизимда кадрлар масаласига алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги қайд этилди. Кадрларни танлашда маҳаллийчилик, ошна-оғайнигарчиликка йўл қўймаслик, тизимда коррупцияга қарши курашиш ишларини кучайтириш, ҳар томонлама билимли, изланувчан, ташаббускор, масъулиятли ходимлар ишлашини таъминлаш лозим. Бу борада аттестация, ротация каби усуллардан унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

(ЎзА).

ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО ТУРНИРИ — 2005

Ўзбекистон – «Пюник» – 2:1

Кеча пойтахтимиздаги МҲСК стадионида футбол бўйича Тошкент халқаро турнирининг биринчи учрашуви бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Олимпия терма жамоаси ва «Пюник» (Ереван, Арманистон) жамоалари бошлаб беришди.

Беллашувда ҳамюртларимиз 2:1 ҳисобида ғалаба қозонишди. Тўпларни вакилларимиздан Садриддин Абдуллаев (иккита), «Пюник» жамоасидан Мамату Диавара киритди.

Ўз мухбиримиз.

Долзарб мавзу

ФЕРМЕР

— бугунги кунда нафақат ер, балки қишлоқнинг ҳам эгаси, демак, иккаласининг тақдири унинг ўз ишига бўлган масъулиятига, тегишли билим, тажриба ва юқори малака билан йўғрилган фаолиятига боғлиқ

(Давоми. Боши ўтган сонда.)

Мен Кўрғонтепа туманидаги «Оқ сув» фермер хўжалиги раҳбари, таниқли пахтакор, кейинги йилларда ҳосилдорликни 14 центнерга кўтарган Алижон Аҳмедовдан «Шу масалага сиз қандай қарайсиз?» деб сўрадим.

— Шахсан мен ҳукуматимиз томонидан қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг самарали усули — фермерлик ҳаракатига кенг йўл очиб бериш, фермерларни мулк эгасига айлантириш, бу борада уларнинг масъулиятини оширишга қаратилган сиёсат амалга оширилаётганини тўла қўллаб-қувватлайман, — деди Алижон ака. — Биз кичик жамоамизда нималарга эришган бўлсак, бариси давлатимизнинг ғамхўрлиги туфайлидир. Аммо бундай ғамхўрликка муносиб жавоб бермай, номига фермерлик қилаётганларга энди орамизда ўрин бўлмаслиги шарт. Буни ҳаётнинг ўзи талаб этмоқда. Ўзингиз ўйлаб кўринг: бир фермер хўжалигида унинг раҳбаридан ташқари кам деганда қишлоқда яшовчи 30-40 киши ишлайди. Ҳаммасининг оиласи, рўзғори бор. Улар шу оилам учун ҳалол меҳнатим эвазига бир бурда нон топсам, кийим-кечак олиб берсам, тўйлар қилсам, деб ўйлашади. Шундай экан, фермер дегани нафақат ер, балки қишлоқнинг ҳам эгаси сифатида ўз қўл остидагилар, яъни ҳамқишлоқлари манфаати ҳақида қайғуриши керакмиймиқми? Афсуски, айрим дангаса фермерларнинг касрига далада ишловчилар йил — ўн икки ой мобайнида қилган меҳнатига қуйиб қолмоқдалар. Режа бажарилмаса, мўлжалдаги ҳосил хирмони яратилмаса, даромад қаердан келади, ахир?! Қўли пул кўрмаган деҳқон эса, табиийки, ҳеч қачон жон куйдириб ишламайди.

Яна бир гап. Очиқ айтишим керак, аввалги транш ўрнига икки йилдан буён фермер хўжаликларининг давлат эҳтиёжлари учун пахта хомашёси ва ғалла етиштириш харажатларини тижорат банклари орқали тўғридан-тўғри имтиёзли кредитлаш механизми қўлланилаётгани биз учун айни муддао бўлди. Лекин бу кредит ўз вақтида берилмаяпти. Мутахассислару деҳқонлар яхши билишади: пахтачиликда ерни шудгорлаш, чигит экиш, ғўзага ишлов бериш, суғориш ва озиқлантиришдан тортиб то ҳосил пишиб етилгунга қадар 100 дан зиёд агротехника тадбирлари амалга оширилади. Уларнинг ҳаммаси бир-бирига боғлиқ,

(Давоми 3-бетда).

«Ас-Анваржон» экспортга чиқмоқчи

Иштихон туманидаги «Ас-Анваржон» кўп тармоқли хусусий фирмаси шу пайтга қадар биноларни таъмирлаш, аҳолига савдо ва маиший хизмат кўрсатиш билан шуғулланарди. Яқиндан бошлаб бу ерда пиллани қайта ишлаш ҳам йўлга қўйилди.

Бу ишни фирма жамоаси тумандаги «Меҳнат роҳат» ширкат хўжалиги ҳудудидаги эски бинони сотиб олишдан бошлади. Хоналардан бирига Россия ва Италия ҳамкорлигида яратилган пиллани қайта ишловчи ускуна ўрнатилди. Вилоят пиллачилик идораси билан шартнома тузилиб, хомашё муаммоси ҳал этилди.

Айни пайтда янги цехда кунига 70 килограмм пилла қайта ишланиб, 20 килограммдан ортиқ ипак толаси олинаяпти. Тайёр маҳсулотга харидорлар ҳам тезда топила қолди. Улар атлас ва гилам тўқувчи корхоналардир.

— Мақсадимиз экспортга чиқиш, — дейди фирма иш юритувчиси Аъзам Ғаниев. — Бу борада дастлабки ҳаракатларни бошладик. Ҳадемай Сингапур гиламчилик корхоналари билан шартнома имзолаймиз.

Ушбу цехнинг ташкил этилиши билан 96 нафар киши доимий иш билан таъминланди.

Абдурасул САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Жаҳон 24 соат ичида

Теледастурда илк маротаба...

Исроил Бош вазирининг ўринбосари Шимон Перес биринчи марта Фаластин телевидениеси дастурларидан бирида чиқиш қилиб, фаластинликларни «тинчлик тулпорини минишга» чақирди, деб хабар беради Yediot Ahronot газетаси.

Ўтган ҳафта Шимон Перес Фаластин раҳбари Маҳмуд Аббос билан телефон орқали боғланиб, янги мухториятнинг ҳудудда тинчлик ўрнатиш жараёнидан ҳамда террорчиликка қарши олиб бораётган ишларидан қониқиш ҳосил қилаётганини таъкидлаганди.

Шу билан бир пайтда Фаластин етакчиси Маҳмуд Аббос Германиянинг Der Spiegel ҳафтаномасига интервью берди. Унда Маҳмуд Аббос Исроил билан қочоқлар муаммоси бўйича музокаралар ўтказиш лозимлигини билдирди.

Журналистларга чақириқ

Италиянинг Ироқдаги элчихонаси журналистларни мамлакатдан чиқиб кетишга чақирди. «Биз ўзимизга маълум айрим таҳдидлардан келиб чиққан ҳолда, айни дамда Ироқда қолган барча журналистларни, шунингдек бошқа италиялик фуқароларни мамлакатдан кетишга чақирдик», деди элчихона ходимларидан бири Reuters ахборот агентлигига.

Унинг айтишича, бундай таҳдид тўрт нафар журналистга, яъни La Repubblica газетаси ва Tg2 телекомпанияси ходимларига нисбатан айтилган.

Атмосфера ифлосланиши оқибатлари

Ҳавонинг заҳарланиши Европада ҳар йили 310 минг кишининг бевақт вафот этишига сабаб бўлмоқда, дейилади BBC News тарқатган хабарда. Еврокомиссия эълон қилган ҳисоботда айтилишича, экологик вазиятнинг ёмонлашуви одамларнинг саломатлигига салбий таъсир кўрсатаяпти ва бу иқтисодиётга йилига 80 миллиард евро зарар келтирмоқда.

ЭСКИ ШАҲАРНИНГ ЯНГИ ТАРИХИ ЯРАТИЛМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

XX аср бошларида жадидчилик ҳаракати кўплаб буюк сиймоларни фаолият майдонига чиқарди. Бу жиҳатдан ҳам Тошкент янги замон маърифати жабҳасида етакчи ўринда туради. Биринчи жадид муаллимлардан адиб, муҳаррир, маърифатчи Абдулла Авлоний ва Абдулла Алавийни ким билмайди? Туркистон халқ дорилфунини таъсис этишда жонбозлик кўрсатган алломалардан бири Мунаввар Қори Абдурашидхонов, ўзбек романчилигининг асосчиси Абдулла Қодирий, Тўйчи Ҳофиз, Маннон Уйғур, Аброр Ҳидоятов, Ойбек, Ғафур Ғулом, Юнус Ражабий, Яҳё Ғуломов каби неча ўнлаб машҳур адиблар, санъаткорлар олимлар ҳам шу заминда туғилиб, билим олиб, ўзларидан ўлмас мерос қолдирдилар.

Ўзининг 2000 йиллик тарихида бу кўҳна шаҳар жуда кўп зиддиятли воқеа ва ҳодисаларни бошидан кечирди.

«Тошкентнинг бошига не-не синовлар, кулфатлар тушмади. У араб истилоси бўладими, мўғул босқини, шимолдан келган ғанимлар тажовузи бўладими — барчасига мардона қарши курашди. XIX асрнинг иккинчи ярмида чор Россияси ҳужумига биринчи бўлиб кўксини қалқон қилган ҳам, жабрини тортган ҳам мана шу Тошкентимиз ва унинг мард ва жасур халқи бўлди. Қисмати нечоғли оғир бўлмасин, бу шаҳар доимо зулм ва истибдодга қарши курашнинг, миллий озодлик ҳаракатининг бешиги бўлиб келди...»

Президентимиз таъриф берган бу воқеалар ҳақида сўз юритар эканмиз, ана шу курашнинг олдинги сафида Эски шаҳар ва унинг аҳолиси борган десак, тўғри бўлади.

Маълумки, Эски шаҳар Тошкентнинг шимолий ғарбидаги ҳудудни қамраб олган тарихий қисмидир. XIX асрда Тошкент Туркистоннинг йирик шаҳрига айланганда, Эски шаҳар майдони 1,5 минг гектарга тенг бўлган. Маъмурий жиҳатдан Эски шаҳар тўртта — Бешёғоч, Кўкча, Себзор, Шайхонтоҳур даҳаларига бўлинган, атрофи девор билан ўралган қўрғондан иборат эди. Қўрғонга ўн икки дарвозадан кириб чиқиларди.

Чор истилосидан сўнг янги шаҳар бунёд этилиб, у Тошкентнинг жанубий қисмини эгаллайди. Мустамлакачилик сиёсати натижасида миллий қадриятларимиз, моддий ва маънавий ёдгорликларни оёқости қилиш бошланди. Янги бинолар қуриш, ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар асосан шаҳарнинг европаликлар яшайдиган Янги шаҳар қисмида амалга оширилди. Эски шаҳар эса узоқ йиллар эътибордан четда қолди. Бу ерда ободончилик ишлари мутлақо олиб борилмас, тураржойларнинг санитария аҳволи аянчли даражада, кечалари қоронғи, кўчалари ёзда чанг, куз ва қишда лойга ботиб ётар эди.

Қизиқ бир мисол. 1913 йилда Тошкентда водопровод қуриш тўғрисидаги биринчи лойиҳа тузилади. Ушбу лойиҳага кўра бир кеча-кундузги сув сарфи Тошкентнинг Янги шаҳарида истиқомат қилувчи аҳоли учун 120 литр этиб режалаштирилган бўлса, Эски шаҳар аҳолиси учун 24 литр мўлжалланган эди.

Шу тариқа, чор Россияси амалдорлари шаҳарнинг икки қисмидаги аҳоли орасида зиддият юзага келтириш, одамлар турмушидаги тафовутларни янада кучайтириш, маҳаллий аҳолини очиқдан-очиқ камситишга қаратилган сиёсат олиб борганлар.

Минг афсуски, Эски шаҳарга бўлган бундай муносабат, аянчли аҳвол совет даврида ҳам ўзгармади.

90-йилларнинг бошларида собиқ иттифоқ боши берк кўчага кириб, «қизил империя» жон талвасасида тўлғонаётган, митингбозлик, сафсатабозлик авжга чиққан пайтларда мамлакатимиз раҳбари сифатида энди иш бошлаган Юртбошимиз мутасаддиларни ёнига олиб, Эски шаҳарнинг тор, эгри-бугри Заркайнар кўчасидан Эски Жўвагача пиёда айланиб, мавжуд аҳвол билан танишади, бу ердаги кечиктириб бўлмайдиган муаммоларни ечиш тўғрисида топшириқ беради. Чорсу бозорида дарҳол шов-шув тарқалади: «Ислом Каримов Эски шаҳар кўчаларида пиёда юрган эмиш! Эски шаҳар қайта қурилармиш...» «Бутун бошли империя кунпая-кун бўляпти-ку, Эски шаҳарни қайта қуриб бўладими?! Ҳазилни қўйсанг-чи, биродар!..»

— Халқ орасида шундай гаплар бўлган эди, — деб эслайди Эски шаҳарлик меҳнат фахрийси Анвар Қобулов.

Дарҳақиқат, Президентнинг бу ташаббуси ўша кезларда кўпчиликка афсонадек туюлган эди. Чунки, Эски шаҳар ўз номи билан эски, яъни путурдан кетган эди. Эскини эпақага келтиргунча эсинг кетади, деган гап бежиз айтилмаган, ахир.

Қолаверса, шундай таҳликали, қалтис бир пайтда янги раҳбарнинг бу ҳудудда йиллар давомида тўпланиб келган оғир ижтимоий-иқтисодий муаммолар ҳақида бош қотириши, уларни ечишга қарор қилиши, очиғи, кўпчиликнинг хаёлига сиғмас эди. Боз устига, масаланинг яна бир нозик томони бор эди: ўша пайтларда кўҳна қадамжолар вайрон этилиб, буюк боболаримизнинг азиз номлари топталиб, «ўзбеклар иши», «пахта иши» каби бўҳтонлар Марказда астойдил қўллаб-қувватланаётган кезлар эди. Пойтахтни қайта қуриш у ёқда турсин, ҳатто битта кўприк барпо этиш учун ҳам Москвадан рухсат сўраш шарт эди. Демак, Ислом Каримов ўша пайтда фақат Эски шаҳари эмас, балки миллатнинг шарафли ўтмишини, ор-номусини, истиқлолга интилишини тиклашга бел боғлаган эди, десак, муболаға бўлмайди.

Ўз озодлигини эндигина қўлга киритган ёш давлат қанчалик оғир синовларни бошидан кечириши мумкинлигига ҳаммамиз гувоҳмиз. Лекин биз битта фуқаро сифатида гувоҳмиз, мамлакат тақдири учун жавоб берадиган раҳбар эса шунчаки гувоҳ бўлмайди, балки барча масъулиятни ўз зиммасига олади: давлат тизимини шакллантириш, тинчликни сақлаш, чегара хавфсизлигини таъминлаш, замонавий талабларга жавоб берадиган Қуролли Қучларни барпо этиш... Эҳ-е, мустақил Ўзбекистон олдида турган долзарб муаммоларни оддий қузатувчи сифатида бир-бир санаб чиқсак ҳам саҳифа тўлади. Қават-қават муаммолар залвори остида ҳам эл манфаатини ўйлаб бошланган ишларни изчил давом эттириш учун қанчалик сабот-матонат керак.

«Хўш, ўтмишда кўплаб балоқазоларни бошидан кечирган жасур халқ замонавий цивилизация неъматларидан баҳраманд бўлиб, инсоний ҳаёт кечиришга ҳақли эмасми?»

Эски шаҳар ҳақида гап кетганда, масалани биринчи бўлиб, шу тариқа кўндаланг қўйган жасур инсон ҳам Президент Ислом Каримов бўлди.

«Эски шаҳар деганда, биз аввало, нималарни тасаввур қиламиз? Ўйлайманки, аввало, шу ҳудудда яшайдиган аҳолининг оғирини енгил қилиш, шу даҳаларни ободонлаштириш, одамларга муносиб турмуш шароити яратиб беришдек муҳим вазифалар кўз ўнгимиздан ўтади...»

Юртбошимиз бу масалани дав- лат сиёсатининг устувор йўналиши деб баҳолади. Орадан кўп ўтмай, у киши имзо чеккан «Тошкент шаҳрининг Эски шаҳар қисмини қайта қуриш ва обод қилиш тўғрисида»ги ҳукумат қарори қабул қилинди.

Шу тариқа, Эски шаҳар улкан бунёдкорлик ва қурилиш майдонига айланди. Ўтган қисқа муддат ичида лойиҳачилар, қурувчилар, йўлсозлар, транспортчилар бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилиши натижасида пастқам қулбалар ўрнида замонавий, гўзал иморатлар, равон ва кенг йўллар барпо этилди. Эски шаҳарда истиқомат қиладиган аҳолининг катта қисми янги уй-жойлар билан таъминланди.

Арава ҳам юра олмайдиган тор кўчалар ўрнида кенг, равон, асфальт йўллар, улкан кўприклар, шинам тураржой бинолари, тиббиёт шохобчалари ва аҳолига замонавий хизмат кўрсатиш иншоотлари қурилди. Газ, водопровод, телефон, канализация ва бошқа коммуникация тармоқлари барпо этилди.

Агар Эски шаҳарнинг 90-йиллар бошидаги қиёфаси ва бугунги ҳолатини таққосласангиз, ер билан осмонча фарқ борлигига ишонч ҳосил қиласиз.

Эски шаҳар Тошкентнинг узоқ тарихининг узвий бир бўлаги экан, унинг эртанги куни ҳам шунга муносиб бўлиши керак. Президентнинг ана шу ғояси бугун амалдаги бош режада бу масканнинг, таъбир жоиз бўлса, тарихий, маънавий қиёфасини асраб қолишда асос қилиб олинди.

«Тўғри, пойтахт албатта замонавий бўлиши керак. У давр билан ҳамқадам, ҳамнафас ривожланиши керак. Лекин, шу билан бирга, ҳаётимизни тўлдирадиган, бойитадиган, унга маъно-мазмун бахш этадиган тарихий қадриятларимизга содиқ қолиш, уларни асраб-авайлаш, янги авлодларга бешикаст етказиш биз учун ҳам фарз, ҳам қарздир».

Шу мақсадда Эски шаҳарнинг жонли тарихи бўлган Сағбон, Қорасарой, Форобий, Заркайнар маҳаллаларининг қинғир-қийшиқ йўлакчалари, кўримсиз, тор кўчалари кенгайтирилди, транспорт ва пиёдалар қатнови учун қулай шароитлар яратилди. Равон, кўп қаторли, озода, чароғон кўчалар қурилишида йўлсозликнинг энг замонавий андозалари амалиётга татбиқ этилди. Баъзи катта йўллар ва кўприкларнинг фойдаланишга топшириш тантаналарида Юртбошимиз шахсан иштирок этди. Бу албатта Президентимизнинг Эски шаҳар аҳлига бўлган ҳурмат ва эътиборининг ёрқин ифодасидир.

Ачаобод маҳалла қўмитаси оқсоқоли Хайрулла Ҳикматов шундай дейди:

— Ёдимда, 1995 йилнинг охири — 1996 йилнинг бошлари эди. Ўша пайтлари Эски Жўва ҳудудига яқин Сағбон, Форобий, Қорасарой кўчалари тангу торлиги, қатновнинг қийинлиги билан кишини хуноб қиларди. Юртбошимиз бу жойни келиб кўрганидан сўнг вазият бутунлай ўзгарди. Янглишмасам, Эски Жўва ҳудудида хайрли ишлар ана шундай бошланди. Кейинчалик Собир Раҳимов туманида йирик объектларни қуриш, эски, талабга жавоб бермайдиган иншоотлар ўрнига янги, шинам, замонавий биноларни бунёд этиш ишлари бошлаб юборилди...

Президент ҳар гал Эски шаҳарга келар экан, албатта янги-янги таклифларни ўртага ташлайди. Жумладан, ҳудудда коммуникация тармоқларини ўтказиш, болалар боғчалари, мактаблар, касалхоналар, спорт масканлари ва бошқа маданий-маиший иншоотлар қурилишини босқичма-босқич, изчил давом эттириш таклифини олға суради.

Шу асосда сўнгги йилларда Эски шаҳарда катта ижобий ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Хусусан, кўплаб маиший хизмат шохобчалари ишга туширилди. 300 дан зиёд хотин-қизларни иш билан таъминлайдиган улкан «Сағбонтекстил» Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонаси, 20 минг аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш имконига эга бўлган 42-сонли оилавий поликлиника, «Истеъдод» ёшларни интеллектуал ривожлантириш маркази ҳамда маҳалла ёшлари ўртасида спорт мусобақаларини ўтказиш, машғулотлар олиб боришга мўлжалланган спорт мажмуаси, Форобий кўчасидаги оилавий шифохона, 60-болалар боғчаси ва бошқа жуда кўплаб объектлар фойдаланишга топширилди. Булардан ташқари, туманда янги барпо этилган учта болалар боғчаси, тўртта стадион, ўн иккита маҳалла гузари, иккита чойхона, бешта маросимлар уйи ва маънавият-маърифат масканлари аҳолига хизмат кўрсата бошлади..

Заркайнар кўчасида фойдаланишга топширилган икки қаватли, 80 ўринли болалар боғчаси кичкинтойлар учун ҳақиқий совға бўлди.

— Бундай ғамхўрликдан ота-оналар ҳам, биз ҳам беҳад хурсандмиз, — дейди боғча мудираси Хумора Асқарова. — Боғчамизнинг эски биноси жуда ночор аҳволда эди. Гўёки фарзандларимиз XIX асрдан сакраб XXI асрга тушиб қолдилар. Чунки, янги қурилган боғча энг замонавий лойиҳа асосида барпо этилиб, болажонларга таълим-тарбия бериб, вояга етказиш учун барча шароитлар яратилган.

... Албатта, Эски шаҳарни бозорсиз тасаввур этиш қийин. Эски Жўва бозори ҳам шу ерлик аҳоли ҳаётининг ажралмас қисми ҳисобланади. Тарихчиларнинг гувоҳлик беришича, қадимда Тошкент шаҳрининг барча дарвозалари орқали ўтган йўллар Эски Жўва бозорига олиб келган. Афсуски, ана шундай аҳамиятга эга бозор ва унинг ҳудуди ҳам узоқ йиллар эътибордан четда қолиб келди.

Бу масалани ҳам биринчи бўлиб Президентимиз кўтарди. Аввало бозор қиёфасини бузадиган, бугунги кун талабларига жавоб бермайдиган, бошқача айтганда, «кўлбола усул»да қуриб олинган, паст-баланд, майда-чуйда дўкончалар, ошхона ва қаҳвахоналардан воз кечиш кераклиги, уларнинг ўрнида пухта режа асосида меъморий аҳъаналаримизга жавоб берадиган қурилишларни амалга ошириш вазифасини ўртага қўйди. Шу тариқа янги лойиҳалар устида ишланди. Натижада кейинги йилларда Эски Жўва бозорининг кўриниши ўзгариб бормоқда. Бир неча мисолларни айтиб ўтайлик. Ўтган йили бозор ҳудудида 560 ўринли кийим-кечак сотиладиган дўкончалар қад ростлаган бўлса, яқинда 220 ўринли миллий либослар растаси фойдаланишга топширилди, гўшт маҳсулотлари шохобчаси ёнида қовун-тарвуз бозорчаси барпо этилди. Шунингдек, бозор ҳудудида 300 ўринга мўлжалланган чакана ҳамда 200 ўринли улгуржи савдо учун сабзавот расталари ҳам фойдаланишга топширилди.

Бу ерга Чорсу томонидан кираверишда яна бир тарихий бино қад кўтариб турибди. Бу — машҳур Кўқалдош мадрасаси бўлиб, ҳозир бу жойда Ислом ўрта-махсус билим юрти жойлашган. Шўро даврида бу қадимий тарихий обида кўп йиллар давомида турли ташкилотлар учун идора вазифасини ўтаб келди. Баъзан эса бутунлай қаровсиз қолдирилган пайтлари ҳам бўлди. Не-не улуғ зотлар таҳсил олган, бир вақтлар Муқимий ва Фурқат каби маърифатпарвар шоирларга бошпана бўлган бу маърифат маскани ниҳоят, мустақилликдан кейин қайта таъмирланиб, ўзининг иккинчи ҳаётини бошлади.

Шуни таъкидлаш жоизки, пойтахтимиз аҳли билан бўлган учрашувларнинг бирида Президентимиз Эски шаҳар масаласига тўхталиб, шундай деган эди: **«Бугун ҳар бирингизни «Тошкентнинг қиёфаси қандай бўлади?» — деган савол қизиқтириши табиий. Бу ҳақда гапирганда, энг аввало, шуни айтиш керакки, Эски шаҳардаги ободончилик ва бунёдкорлик ишлари кенг кўламда давом эттирилади».**

Бугунги кунда бу сўзлар ўзининг амалий ижросини топиб бормоқда. Давлатимиз раҳбарининг бевосита раҳбарлигида Тошкент шаҳрини 2015 йилгача ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган Бош режа лойиҳасида ҳам бу масала алоҳида эътиборга олинган.

Юртбошимиз 2004 йилнинг август ойида Эски Жўвага келиб, галдаги вазифаларнинг бажарилишини, айниқса, замонавий инфратузилмаларни яратиш билан боғлиқ масалаларнинг қандай ечилаётганлигини талабчанлик билан кўздан кечирди.

Эски шаҳарда амалга оширилаётган жиддий ўзгаришларни эътироф этган ҳолда Президент бу ерда ҳали ўз ечимини кутаётган муаммолар ҳам мавжудлигига эътибор қаратди. Хусусан, атрофдаги йўлларнинг паст-баландлиги, транспортнинг тирбанд қатнови, айрим путурдан кетган биноларнинг умумий манзарага мос келмаслиги, айниқса, шу мавзедаги истироҳат боғи ва хиёбонни ободонлаштириш, бозор ҳудудини тартибга солиш бўйича тегишли таклифлар тайёрлаш, Эски шаҳар қиёфасини замонавий ва миллий меъморчилик асосида такомиллаштириш юзасидан махсус дастур ишлаб чиқиш ҳақида мутасадди раҳбарларга топшириқлар берилди.

Давлатимиз раҳбари 2004 йилнинг декабрь ойида Эски Жўва ҳудудини яна бир бор қадам-бақадам айланиб, бу ерда олиб борилаётган ишларнинг аҳволи билан танишди, тайёрланган таклиф ва лойиҳаларни чуқур таҳлил қилди, мутасаддиларга масала ва муаммоларнинг ечимига доир аниқ кўрсатмалар берди.

2005 йилнинг январь ойида эса, тегишли раҳбарлар ҳамда мутахассислар иштирокида шу масала юзасидан уч маротаба махсус йиғилиш ўтказди, лойиҳалар билан танишиб, фикр-мулоҳазаларни эшитди. Эски шаҳарни қайта қуришдан кўзланган асосий мақсад ҳақидаги ўз қараш ва таклифларини баён этар экан, Президент, жумладан, шундай деди:

Биринчидан, Эски шаҳар Тошкентнинг машҳур тарихий маркази бўлган, шаҳар пойдевори шу жойдан бошланган. Пойтахтимиз ўтмишига эҳтиром маъносида ҳам Эски шаҳарни тиклаш бизнинг тарих олдидаги бурчимиздир.

Иккинчидан, Эски шаҳар узоқ йиллар мобайнида эътибордан четда қолдирилди. Иккинчи жаҳон урушидан олдин ҳам, кейин ҳам бу ерда деярли ҳеч нарса ўзгармади. Ҳатто 1966 йилги зилзиладан кейинги ўзгаришлар ҳам шаҳарнинг бу қисмига дахлдор бўлмаган. На шаҳарсозлик, на ободончилик масаласида бирон-бир жиддий ишга қўл урилган.

90-йилларнинг охирида Сағбон ва Қорасаройдан ўтган магистрал йўллари қурилиши амалга оширилди. Шундан кейингина Эски шаҳарнинг тарихий қисмида ўзгаришлар бошланди. Кейинги йилларда бу мавзедаги хунук кўринишлар қисман ўзгартирилди. Бироқ кўприклар, йўллар қурилгани, газ келгани билан, очиқ айтиш керак, бу ердаги аҳвол тубдан ўзгармади. Биз Эски шаҳар аҳолиси олдида қарздормиз.

Бинобарин, бу масалага алоҳида эътибор бериш, бошланган ишларни янада жадаллаштириш, янги босқичда давом эттириш, замонавий талаблар асосида ободонлаштириш керак. Бу ўзгаришлар пойтахтимиз Тошкентнинг чеҳрасига, умумий қиёфасига мос бўлмоғи лозим.

Учинчидан, бозор Шарқда азалдан ҳаёт даражасининг кўзгуси бўлиб келган. Шу маънода, Эски Жўва бозорида бир йил олдин бошланган қайта қуриш ва ободонлаштириш ишларини давом эттириш даркор. Бунинг учун бозор фаолиятини тубдан яхшилаш керак. Бу — Тошкентнинг асосий бозори. Бозор кунларини ҳисобга олсак, бу жойда ўртача 200-250 минг одам тўпланади. Шу боис биринчи галда, бозорнинг бир меъёрда ишлаши тўғрисида ўйлашимиз зарур. Унинг таркибидаги инфраструктуралар одамларнинг талабига жавоб берадиган бўлсин. Яъни, авваламбор, транспорт, йўл, санитария муассасалари ишини яхшилаш, сотувчилар учун янги расталар, пештахталар қуриш, харидорларга қулай шароит яратиш каби долзарб масалаларга аҳамият бериш керак.

Маълумки, бозорга одамлар фақат савдо ёки харид учун бормайди. Бу маскан, аввало, мулоқот, суҳбат, учрашувлар жойидир. Эски Жўва бозорида ана шу шарқона анъана бундан кейин ҳам сақланиб қолиши учун бош қотиришимиз керак.

Тўртинчидан, Эски Жўва майдони атрофида транспорт ҳаракати ниҳоятда тирбандлигига алоҳида эътибор қаратиш даркор. Қиш, ёз пайтлари бу ердан ўтиб бўлмайди. Шу сабабли транспорт қатнови масаласини оқилона ҳал қилиш лозим.

Экология масаласида ҳам бу ерда талай муаммолар мавжуд. Бу жойларнинг ҳавоси оғир, айниқса, ёзда, кун иссиқ пайтларда шу томонга қарасангиз, уйлар қандайдир ғубор ичида қолиб кетганга ўхшайди. Бу масалани ечиш бўйича ҳам аниқ чораларни амалга ошириш зарур.

Бешинчидан, Эски Жўванинг ўзига хос файзли, тарихий муҳитини тиклаш зарур. Шу атрофда жойлашган меъморий обидаларни таъмирлаш, пала-партиш қуриб ташланган турли майда-чуйда дўконларни олиб ташлаш, ҳудуднинг санитария ҳолатига алоҳида аҳамият бериш лозим.

Олтинчидан, Абдулла Қодирий номидаги истироҳат боғини реконструкция қилиш, ободончилик ва кўкаламзорлаштириш ишларини амалга ошириш керак. Умуман, Эски шаҳар ҳудудида ҳаммаёқни асфальт-бетон билан қоплашга эмас, балки яшил майдончалар, кўкаламзор хиёбонлар, фавворалар барпо этишга кўпроқ аҳамият бериш даркор.

Бу улкан қурилишлар, аввало, Эски шаҳар аҳлининг манфаати учун амалга оширилаётгани сабабли, бу ҳақда кенг жамоатчиликка батафсил маълумот бериб, шу ерда яшайдиган одамлар билан маслаҳатлашган ҳолда иш олиб борилмоқда. Табиийки, маҳалла оқсоқоллари, жамоатчилик вакиллари ушбу бунёдкорлик ҳаракатларини мамнуният билан қўллаб-қувватлашмоқда.

Шу ўринда Эски шаҳарни реконструкция қилиш масаласига давлат бюджетидан катта миқдорда маблағ ажратилаётганини эслатиб ўтиш ўринлидир. Хусусан, биргина **2004 йилнинг ўзида бу мақсадлар учун 8 миллиард сўм сарфланди.** Лойиҳага асосан жорий йилда Эски Жўва атрофидаги йўлларни қайта таъмирлаш, кенгайтириш, шу орқали транспорт воситалари ҳаракатини яхшилашга эришиш, Чорсу бозорининг умумий ҳолатини давр талаблари даражасига кўтариш, аҳолининг ижтимоий эҳтиёжларини таъминлашга хизмат қиладиган янги-янги маданий-маиший иншоотларни барпо этиш режалаштирилган. **2005 йилда бу ердаги қурилиш ва ободончилик ишлари учун 15 миллиард сўм маблағ ажратилган.**

Пойтахтимизнинг бугунги гўзал қиёфасига қараб, истиқлолимизнинг буюк қудратига яна бир бор амин бўламиз. Тақдирини ўз қўлига олган, озодлик нашидасини сураётган халқ нималарга қодир экани мана шу улкан ўзгариш ва янгиланишлар мисолида яна бир бор яққол намоён бўлмоқда.

Ҳа, Эски шаҳар, хусусан, Эски Жўвани қайта тиклаш ва обод қилиш ишлари қизғин давом этмоқда. Насиб этса, ҳали бу мавзуга яна қайтиб, сиз азизлар билан суҳбатлашиш ниятимиз бор.

Вақти-соати келиб, азим пойтахтимиз Тошкентда амалга оширилган беқиёс ўзгаришлар тилларда достон бўлади. Эски шаҳарнинг янги тарихи Бунёдкорлик солномасининг зарҳал саҳифаларини ташкил этади. Зеро, Юртбошимиз: **«Бугунги кечираётган ҳаётимиз, ҳаракатларимиз, интилишимиз тарихда қолади. Келгуси авлодлар бу тарихни Мустақиллик, Озодлик, Ҳуррият тарихи деб эъзозу ҳурмат билан эслашлари мумкин»,** деб халқимизнинг дилидаги гапни топиб айтган.

Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ



Ушбу спорт мажмуаси янги баркамол авлоднинг вояга етишига хизмат қилади.

(Давоми. Боши 1-бетда).

агарда бирортаси оби-тобида бажарилмаса, мўлжалдаги ҳосилга путур етади. Айтайлик, шудгорлашдан олдин албатта ерга минерал ва органик ўғитлар солиниши, бу юмушга жалб этилган трактор ва бошқа механизмлар учун ёнилғи керак. Шу мақсадларга ажратилган кредит (аванс пули)ни, қарангки, кўпинча февраль-март ойларига бориб оламиз. Ёки бўлмаса, иш ҳақига мўлжалланган маблағ эса ойлаб берилмайди. Агар ана шу номутаносибликлар барҳам топса, ишончим комилки, фермерларнинг иши янада олчи бўлади — улар ҳар йили гектар ҳисобига 60-70 центнердан бошоқли дон, 40-45 центнердан пахта етиштираверадилар.

Эътибор бердингизми, қўрғонтепалик фермернинг мулоҳазаларида жон бор. Сабаби — бу кўпчилик фермерларнинг фикри. Агар улар эътиборга олинса, фойдадан холи бўлмайди. Айниқса, Алижон аканинг «Фермер дегани нафақат ер, балки қишлоқнинг ҳам эгаси» дегани менга маъқул бўлди.

Бу гап замирида «Иккаласининг тақдири фермернинг ўз ишига бўлган масъулиятига, тегишли билим, тажриба ва юқори малака билан йўғрилган фаолиятига боғлиқдир», деган маъно мужассам.

Гап шундаки, авваллари қишлоқда бригадир бўлар эди. Уни «қишлоқ оқсоқоли» дейишарди. Ҳозирги кунда оқсоқол — бу фермер. Кўплаб фермерлар ўз зиммасидаги ана шу масъулиятни чуқур ҳис этиб, қишлоқларда гузарлар барпо этмоқдалар, мактаблар қураяптилар, йўлларни асфальтлаяптилар, хуллас, ободонлаштириш ва кўкламзорлаштириш ишларига баҳоли қудрат ҳисса қўшмоқдалар. Улар шу мақсадларга хўжаликларнинг даромади ҳисобига катта миқдорда маблағ ажратибгина қолмасдан, балки объектлардаги ишларни бажаришда ҳам бош-қош бўлмоқдалар.

Бундай фермерларга албатта раҳмат айтиш керак. Лекин яқинда Фарғона вилоятининг бир қишлоғида бўлганимизда, бунинг аксини кўрдик. Икки-уч йил илгари паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган ширкат хўжалиги ўрнида фермер хўжаликлари ташкил этилган экан. Бу қишлоқда ҳам иккита фермер хўжалиги тузилибди. Бироқ уларнинг раҳбарларидан бирортаси ҳалигача лоақал қишлоқ ичидаги 1,5-2 чақиримлик йўлни асфальтлашга маблағ тополмабди...

— Олдинлари мана шу жойда бўлим техника паркининг баландлиги 10 метр, узунлиги 100 метрдан зиёд чиройли биноси, унинг ёнида эса аралаш моллар дўкони бўларди, — деди бир мўйсафид киши теп-текис, аммо ҳувиллаб ётган бир гектар майдонга ишора қилиб. — Иккала иморат аслида қишлоғимиз кўрки эди. Собиқ ширкат хўжалигининг қарзини қоплаш мақсадида гаражни кимгадир арзимас пулга сотган экан, у бир кеча-кундузда машина-машина керамик ғишту бошқа қурилиш ашёларини ташиб кетди. Буни кўриб, дўкон мудири ҳам «Магазинни хусусийлаштириб олганман, демак, мулк — меники» деб уни ҳам бузиб ташлади.

Хўш, дўкон хусусий бўлса, «Уни бузиб, эшигию ёғоч-тахтасини олавер!» деган кўрсатма борми? Ёки, айтайлик, гаражни бузмасдан, ширкатнинг қарзини кейинроқ бўлса-да, фермер хўжаликлари даромадидан ушлаб қолса бўлмасмиди? Ахир, фермер хўжаликлари учун ҳам гараж керак-ку?

Ўша пайтда қишлоқ эгаси топилмаганидан ҳалиҳануз ачинаман... Давлатимиз раҳбари «Янгисини қурмай туриб, эскисини бузманг!» деб бот-бот такрорлаб турса, бу принцип ҳаётда ўз тасдиғини аллақачон топган бўлса-ю, ҳамон орамизда бурнидан нарини кўролмайдиганлар яшаётганлиги уят эмасми?..

Нимаям дердик, ҳозирги кунда биз турли қийинчиликларни бошимиздан кечираяпмиз, ҳали ечилмаган муаммоларимиз ҳам кўп. Лекин инкор этиб бўлмайдиган бир ҳақиқат борки, агар ўзимиз жон куйдирмасак, ўзимиз ишламасак, ҳеч ким четдан келиб бизнинг ўрнимизга ишламайди, бу муаммоларни ҳал қилиб бермайди. Бу масалаларнинг асосий ечими эса, ҳеч шубҳасиз, юртимизда бошланган ислоҳотлар ва эркинлаштириш жараёнини изчиллик билан давом эттириш ва мантиқий якунига етказишдан иборат.

Қишлоқ хўжалиги соҳасини юксалтиришнинг ягона йўли эса, бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштиришдир. Бу вазифа куни кеча бўлиб ўтган Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил якунларига бағишланган мажлисида ҳам ҳукумат фаолиятининг асосий устуворликлари этиб белгиланди. Жумладан, 2005-2007 йилларга мўлжалланган янги дастурга кўра, бу йил 406 та, кейинги йилларда эса 1100 та зарар кўриб ишлаётган ва паст рентабелли ширкат хўжалиги негизида фермер хўжаликлари ташкил этилади. Ер ажратиш ва фермерларни танлаш ишлари ошкора, адолатли тарзда, қатъий тендер асосида ўтказилади.

Фақат шугина эмас. Фермерларга хизмат кўрсатиш, уларни зарур моддий ресурслар ва техника билан таъминлаш бўйича бозор инфратузилмасини шакллантириш жараёни янада тезлаштирилади. Уларга бўлғуси ҳосил ҳисобидан имтиёзли ставкалар асосида кредитлар беришга ўтиш таъминланади. Кўп томонлама шартнома мажбуриятларининг бажарилиши эса, худди ўтган йилгидек, қаттиқ назоратга олинади. Бунда хўжаликларга хизмат қилувчи корхоналар томонидан фермерлар ҳақ-ҳуқуқини менсимаслик ҳолларига йўл қўйилишига барҳам берилади. Бир сўз билан айтганда, фермерлар ўзларининг қўлоёғини боғлаб турган занжир ва арқонлардан халос этиладилар.

Шуни таъкидлаш жоизки, Президентимизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси, Оқсарой қароргоҳида Вазирлар Маҳкамасининг янги таркиби билан учрашувидаги нутқи ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил якунларига бағишланган йиғилишида белгилаб берилган кўрсатма ва вазифаларни бугун барча илғор фермер хўжаликлари раҳбарлари ўз фаолияти учун дастурилама сифатида қабул қилиб, баҳорги экиш-тикиш ишларига тайёргарликни тобора қизитмоқдалар, ишлаб чиқариш шохобчаларида харидоргир маҳсулотлар тайёрланишига алоҳида эътибор қаратмоқдалар.

Илғорларга эргашганлар эса ҳеч вақт кам бўлмайдилар.

Икром ЎТБОСАРОВ.

Навбатдаги ёрдам

Қорақалпоғистон Республикаси ва Фарғона, Наманган, Андижон вилоятларига 70 миллион сўмлик инсонпарварлик юки ортилган «Экосан» саломатлик поезди жўнатилди.

Мазкур тадбир «Экосан» халқаро ташкилоти «Сиҳат-саломатлик йили давлат дастури» ҳамда «Соғлом муҳит — соғлом ҳаёт гарови» мақсадли дастури доирасида «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси ҳамкорлигида ташкил этилди.

«Экосан» халқаро ташкилоти йил бошидан буён экологик жиҳатдан ёрдамга муҳтож бўлган минтақаларга жами 110 миллион сўмлик инсонпарварлик ёрдами кўрсатди.

А. САТТОРОВ.

Газетада босилмади, аммо...

Оқсоқол вазифасидан бўшатилди

Андижон шаҳрининг 5-кичик даҳасида яшовчи бир гуруҳ фуқаролар таҳририятимизга йўллаган мактубларида маҳалла фуқаролар йиғини раиси Р.Ниёзовнинг иш фаолиятидан норози эканликларини баён этишганди.

Биз ушбу шикоятномани текшириш ва зарур чоратадбирлар белгилаш учун республика "Маҳалла" жамғармасига юборгандик. Шунга кўра, яқинда Ўзбекистон Оқсоллар кенгаши ва "Маҳалла" жамғармасининг республика бошқаруви раиси А.ГАДОЙБОЕВдан расмий жавоб олдик.

Маълум бўлишича, шикоят хати жамғарманинг Андижон вилояти бўлими томонидан атрофлича ўрганиб чиқилган. Шу асно арзгўйлар келтирган далилларидан айримлари тасдиғини топган. Жумладан, маҳалла фуқаролар йиғини аҳолисига берилган газ ҳисоблагич ускунасининг бир донаси ўзлаштирилиб, ундан тушган пул фуқаролардан бирига моддий ёрдам тайинлаш йўли билан сарфлаб юборилгани ҳамда бошқа маҳаллада яшовчи киши ноқонуний равишда ҳаж сафарига жўнатилгани исботланган. Ана шу сабабли маҳалла фуқаролар йиғини раиси Раҳимжон Ниёзов вазифасидан озод қилинган.

Эндиликда Андижон шаҳар ҳокимлиги ва "Маҳалла" жамғармасининг шаҳар бўлинмаси томонидан маҳалла фуқаролар йиғини оқсоқоли лавозимига номзодлар танлаш масаласи кўриб чиқилмоқда.

Ўзбекистоннинг йирик ва универсал банкларидан
«ХАЛҚ БАНКИ»
мижозларга 20 га яқин жозибадор омонат турларини жорий этган ҳолда
«Маржон» — қисқа муддатли омонат турини таклиф этади.
Омонатга пул маблағлари 6 ой муддатга, йиллик 32 фоиз даромад тўлаш шарти билан камида 50 000 сўм миқдорида «Халқ банки»нинг барча муассасаларида қабул қилинади.
Омонатингизни ишончли банкда сақланг ва кўпайтиринг !
Мурожаат учун телефонлар: 173-69-15, 173-69-16 (ички тел.: 126, 109).
214R/250

O'ZSANOATQURILISHBANK
Нақд пул маблағлари буюртмасига вақт кетказиш, уни олиш ва қайта ҳисоблаш жонингизга тегмадими?
Ходимларингизга ойлик маошларини ўз вақтида бериш йўлларини излаяпсизми?
Ойлик маош бериладиган кунлари касса олдидаги навбатлардан қутулишни хоҳлайсизми?
«Ўзсаноатқурилишбанк» барча ташкилот ва корхоналарга ойлик маош лойиҳаси — бу ходимларингизга ойлик маошни халқаро VISA Electron ва VISA Classic пластик карточкалар ёрдамида тўлашнинг замонавий усулидир.
Корхонангиз учун афзал томонлари:
* бухгалтерия касса операциялари ҳажми қисқаради;
* ойлик маош учун навбат кутишлар бўлмайди;
* нақд пул воситаларини сақлаш ва уларни ташиш хатарлари камаяди.
Ходимларингиз учун афзал томонлари:
* «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг барча бўлим, филиал терминаллари ёки банкоматларидан нақд пул олиш имконияти;
* товар ва хизматлар учун тўловларни VISA терминаллари ўрнатилган магазин ёки хизмат кўрсатиш муассасаларида амалга ошириш (шу жумладан маиший ва бошқа хизматлар учун);
* сизнинг пулингиз ҳар куни сиз учун ишлайди, ойлик маош ҳисобрақамидаги пул қолдиғига фоиз тўланиши ва тўлиқ ҳимояланишининг кафолатланиши;
* бу пластик карточкалар банк томонидан бепул тарқатилиши.
«Ўзсаноатқурилишбанк» пластик карточкалари — хавфсиз, ишончли ва самарали!
Маълумот учун тел.: 120-43-39, 120-45-46.

ОЛАМ НАФАСИ

Янгиликлар, воқеалар, далиллар

БМТнинг навбатдаги Бош котиби ким бўлади?

Маълумки, 2006 йил декабрь ойида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти раҳбари Кофи Аннаннинг Бош котиблик ваколати муддати ниҳоясига етади. Олдинда қарийб икки йил вақт турган бўлишига қарамай, миллатлар ҳамжамиятининг айрим аъзолари ўртасида бош котиблик лавозимига даъвогарлик борасида муайян ҳаракатлар бошланган.

Бугунги кунга қадар Шри Ланка ҳамда Таиланд БМТ бош котиблигига ўз номзодларини тақдим этган. Шри Ланка томонидан мамлакат президентининг катта маслаҳатчиси Жаянта Дханапала, Таиланддан эса ташқи ишлар вазири Суракиарт Сатиратай номзодлари тавсия этилган.

Ҳар икки номзод ҳам Осиё минтақасидан. Шу ўринда айтиш керакки, Осиё мамлакатлари янги Бош котиб айнан мазкур минтақадан бўлмоғи лозим, деган фикрни билдиришмоқда. Бош котиб лавозими расман жўғрофий алмашув тамойили асосида белгиланмайди.

Агар бош котиблар "шажараси"га назар ташланса, қуйидаги манзара кузатилади: Тригве Лиэ (Норвегия) 1946-1953 йиллар; Даг Ҳаммерсколд (Швеция) 1953-1961; Йу Тант (Мьянма) 1961-1972; Курт Валдхайм (Австрия) 1972-1981; Хавер Перез (Перу) 1981-1991; Бутрос Ғолий (Миср) 1991-1996.

Демак, Осиё вакили бош котиблик курсисига ўтирмаганига ўттиз йилдан ошган. Айни вақтда Осиё номзодлари учун хайриҳоҳлик билдираётганлар орасида Африка мамлакатлари ҳам бор.

Бироқ даъвогарлар рўйхати фақат Осиё вакиллари билан чекланиб қолмаслиги ҳам кундай равшан. Хусусан, Шарқий Европа мамлакатлари ҳам Бош котибликка кўз тикишаётир. Уларнинг фикрича, ҳали Шарқий Европадан бирор марта ҳам Бош котиб чиқмаган. Гарчи шу пайтга қадар бу хусусда бирон-бир расмий фикрлар эълон қилинмаган бўлса-да, БМТ бош қароргоҳи йўлакларида ушбу мавзудаги гап-сўзлар тез-тез қулоққа чалинади.

Сир эмаски, Бош котибликка номзодлар тақдирини ҳал этишда Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолари бўлган мамлакатлар муҳим роль ўйнайди. Аммо ҳозиргача бу гуруҳ мамлакатлари мазкур мавзу юзасидан ўз нуқтаи назарларини билдиришгани йўқ. Кузатувчиларнинг фикрича, жорий йил охирига бориб бу масала юзасидан муайян ойдинликлар кўзга ташланиб қолса ажаб эмас.

Фарҳод АРЗИЕВ,
"Жаҳон" АА мухбири
Нью-Йорк.

ОПЕК: ҲАР КУН 83,78 МИЛЛИОН БАРРЕЛЬ НЕФТЬ

Нефть экспорт қилувчи мамлакатлар ташкилоти(ОПЕК)нинг жаҳон нефть бозори аҳволи ва истиқболлари ҳақидаги маърузасида айтилишича, 2005 йилда дунё бўйича нефть истеъмол қилиш кўрсаткичи кунига 83,78 млн.баррелга етади. Бу ўтган йилга нисбатан 1,73 млн.баррел кўп демақдир. Ташкилот мутахассисларининг фикрича, бу йилнинг биринчи чорагида нефтга эҳтиёж юқорилигича сақланиб қолади, бироқ апрель-май ойларида талаб бироз пасайиши кутилмоқда.

Январь ойи якунларига қараганда, ОПЕК мамлакатларида (Ироқни ҳам қўшиб ҳисоблаганда) нефть ишлаб чиқариш кунига 29,10 млн.баррелга етган. Ўтган ой бу кўрсаткич 610 минг баррелга камайган.

Бироқ Халқаро энергетика агентлигининг тахминлари юқоридагидан бироз фарқ қилмоқда. Унга кўра жорий йилда дунё бўйича нефть истеъмол қилиш кунига 1,55 млн.баррелга етади. Агентликнинг маълумотларида айтилишича, бу йил Россияда ҳам нефть экспорт қилиш ҳажми пасаяди.

Дунё нефть ишлаб чиқариш кўрсаткичларининг пасайиши, биринчи навбатда, ОПЕК мамлакатларининг экспорт ҳажми камайиши ҳисобига бўлмоқда. Бундан ташқари, Канада, Норвегия ва АҚШда ҳам нефть ишлаб чиқариш миқдори қисқарган.

15 февралгача бўлган муддатда нефть нархи яна кўтарилиб, ўртача 41,84 доллар/баррелни ташкил қилмоқда. Бироқ, иқтисодчиларнинг фикрича, агар жаҳон миқёсида ишлаб чиқарилаётган нефть ҳажми оширилмаса, нарх яна кўтарилиши мумкин.

Б.ҒОФУРОВ.

КХДР музокараларни қайта бошламоқчи



Шимолий Корея агар АҚШ очиқ сиёсат олиб борса, олти томонлама музокараларга қайтишга тайёр эканини ва уни тўхтатиш нияти йўқлигини билдирди. Бу ҳақда КХДР етакчиси Ким Чен Ир Хитой компартияси халқаро алоқалар бўлими мудири Ван Цзяжу билан учрашув пайтида таъкидлади.

Аввал расмий Пхеньян БМТдаги вакили орқали, агар АҚШ Шимолий Корея режимини куч билан ағдариш режасидан воз кечса, мамлакатнинг ядровий дастури бўйича музокараларга қайтишга ҳозир эканини маълум қилганди, деб хабар беради «РИА-Новости» агентлиги.

Кучли зилзила

Кеча эрталаб Эроннинг жанубишарқида кучли зилзила содир бўлди. Reuters агентлигининг маълумотига қараганда, унинг кучи Рихтер шкаласи бўйича 6,4 баллга етган. Табиий офат оқибатида 100 нафарга яқин одам оламдан кўз юмди, 5000 нафарга яқини жароҳатланди ва кўплаб бинолар жиддий шикастланди. Зилзила маркази Керман музофотидаги Заранд шаҳрида бўлган.

Эслатиб ўтамиз: ушбу музофотда 2003 йил 26 декабрь куни 6;3 балли зилзила содир бўлганди. Ўшанда минглаб одам вафот этган, ўн минглаб кишилар жароҳатланганди. Бам ва Барават шаҳарларидаги қарийб 90 фоиз бинолар вайронага айланганди.

Марсда музлаган денгиз топилди

Қизил сайёра экватори яқинидаги ҳудудлардан бирида йирик музлаган денгиз топилди. Европалик олимлар Mars-Express космик станциясидан олинган суратларни ўрганиш жараёнида ана шундай хулосага келишди.

ИТАР-ТАСС ахборот маҳкамасининг хабарига қараганда, олимлар Марсда бу денгиз 5 миллион йил илгари содир бўлган тошқинлар натижасида пайдо бўлган деб ҳисоблашмоқда. Сайёрада кейинчалик ҳаво ҳароратининг пасайиши оқибатида денгиз музлаб қолган.

Хитой 75 йилдан сўнг

Хитойдаги доимий иқтисодий ўсиш 2080 йилга бориб энг ривожланган мамлакатга айланиш, яқин 20 йил ичида эса дунёнинг тараққий этган 10 та давлатларидан бири бўлиш имконини беради. Бу ҳақда ХХР Фанлар академияси томонидан эълон қилинган маърузада айтилган.

Синьхуа ахборот агентлигининг хабарида таъкидланишича, Хитой бу мақсадга эришиш учун яқин келажакда қишлоқ хўжалиги ва саноатни янада ривожланитириши лозим. Шунингдек, олимларнинг фикрича, мамлакат бу йўлда жиддий экологик муаммоларга ҳам дуч келиши мумкин.

Собиқ Президентга айблов

Боливиянинг собиқ президенти Гонсало Санчесу де Лосада геноцидда айбланмоқда. Мамлакат бош прокуратураси томонидан эълон қилинган айбловда айтилишича, у ҳукуматнинг газ экспорт қилиш бўйича режасига қарши чиққан намойишчиларни қувиб юбориш учун буйруқ берган. Ўшанда 60 нафар одам ҳалок бўлган, 150 нафардан ортиқ одам жароҳатланганди.

Айни пайтда АҚШда истиқомат қилаётган де Лосада мазкур айбловни рад қилмоқда.

Самолёт ҳалокати

Кеча Индонезиянинг Папуа музофотида маҳаллий полициянга қарашли бўлган самолёт ҳалокатга учради. Reuters ахборот агентлигининг хабар беришича, самолёт бортида бўлган 18 кишидан 15 нафари ҳалок бўлган, қолган 3 киши ўта оғир аҳволда.

Авиаҳалокат самолёт аэропортга яқинлашаётган бир пайтда юз берган. Қўниш майдончасига 500 метр қолганда самолёт денгизга қулаб тушган.

ЁШЛАР БИЛАН ЮРТ ОБОДДИР

Ҳозирги ёшлар... Узоққа бормасдан мустақилликка эришган йиллар давомида ёшларимиз қандай мавқега эришди, деган савол атрофида фикр юритсак. Дафъатан чор-атрофга кўз югуртирсангиз, ёшларни дарров кўзингиз илғамайди, улар кўпроқ бекорчилар сафида ёки кўчада қўлтиқлашиб юргандек туюлади. Лекин сиз кенгроқ фикрланг.

Мустақиллигимизнинг биринчи кунлариданоқ ёшларимизга Юртбошимизнинг билдирган тилаклари, ишончлари ва уларнинг дунёда ҳеч кимдан кам эмасликларини қайта-қайта уқтирганларини ёдга олинг. Уларнинг ўқишлари ва ишлашлари учун дунё эшикларини очиб берганликларини эсдан чиқарманг.

Бугунги яратувчилик ишларида ёшларимиз ўрни беқиёс. Улар илмда дунё билан тиллашаётган бўлса, меҳнат қилишда ўзга юртларнинг ёшларидан кўпроқ тер тўкмоқда, десам янглишмайман. Чунки ёшларимиз фақат меҳнат билан, илм билан ёш давлатимизнинг қаддини баланд қилиш мумкинлигини, шунинг баробарида ўзи ҳам, оиласи ҳам, ота-онаси ҳам фаровон ҳаёт кечиришига йўл очилишини тушунади. Ота-онаси кетмонга куч берган бўлса, улар энди илғор технологияларга, техникага куч бериш зарурлигини англаб етди. Ақлини ишлатишни, мулоҳаза қилишни ўрганмоқда, дунёни танимоқда.

Илмда, фанда, спортда ва бошқа кўплаб соҳаларда ўзбек деган номни байроқ қилиб кўтариб юрган қанча ёшларимиз муваффақиятидан фахрланиб яшаяпмиз. Юртбошимизнинг қилган яхши ниятлари ижобатга ўтиб, фарзандларимиз биздан кўра ақлли, доно, кучли ва бахтли бўлишига шубҳа йўқ! Ўқийман деганга йўл очиқ, ишлайман деганга йўл ёруғ, дунёга чиқаман деганга оқ йўл, тадбиркор бўламан деганга марҳамат, фақат.... Ватанга хиёнат қилишга, ўзбек миллатига иснод келтиришга йўл берк, ота-онани қақшатиб, етти номусини ерга киргазишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ!

Ҳозирги ёшлар... Афсуски улар орасида эртани ўйламай, қилаётган хатти-ҳаракатининг оқибатини англамай, айрим оқимларнинг ҳийла-найрангларига учиб, садақадай берилган учтўрт тангани чўнтагига солиб тўғри йўлдан адашганлар ҳам бор. Гиёҳвандлик кўчасига кириб, қайтиб чиқолмаётган, ичкиликбозликни кундалик одатга айлантирган ёшлар ҳам бизники... Нолигинг келмайди, не қиласан ўзанинг ахир, лекин.... Ўйлаб қоласан. Болани ота-она билан бирга мактаб тарбиялар экан, бирининг камини бири тўлдириб. Ёшларни-чи?

Юртбошимиз яқинда парламент кўшма мажлисидаги матбуот конференциясида юртга ташқаридан келаётган куч хавфли эмас, ичингдаги душман хавфли, ахир ўзингнинг фарзандинг билан ўзинг қандай курашасан, деб куйиниб айтганларида бир сўзни ҳам кўшимча қилди: «Бу ота-она қаёққа қараяпти?».

Шуни қатъият билан айтиш керакки, бугунги кунда ёшлар тарбиясига, энг аввало, ота-она жавобгар! Мен бу ерда «масъул» деган сўзни атайлаб ишлатмадим, назаримда «жавобгар» сўзининг юки оғирроқ. Ота-она ўз фарзандига ҳам мактаб, ҳам ибрат, ҳам терговчи, ҳам тарбиячи! Боламнинг эси кириб қолди деб, унинг қайда юриб, қайда турганини билмаслик, унга ким дўст-у ким душманлигини тушунтирмаслик, авлодинг ким-у аждодинг кимлигини танитмаслик ва ўз йўл-йўриғингга солмаслик ҳар бир ота-она учун кечирилмас ҳолдир. Қўйнингда «болам» деб авайлаб-асраганинг илон чиқса айб ўзингда, йўли бузуқ бўлса хато тарбиянгда!

Ёшлар Ўзбекистонга керак, лекин бу тушунча бир ёқлама бўлиши маъқул эмас, Ўзбекистон ҳам ёшларга керак. Шу ота юрт сенинг таянчинг, сенинг суянчиғинг, сенинг каъбанг... Ўзи киймай кийдирган, ўзи емай едирган элнинг қадрини билиш учун, тинчликни, сенинг ҳаловатингни таъминлаб турган элнинг куйиб-ёнишларини ҳис қилиб яшаш учун 60-70 ёшга кириш шарт эмас. Ўзбекнинг боласи буни ёшликданоқ англасин, мулоҳаза қилсин, фикр юритсин.

Ёшларни тўғри йўлга солдиган, аввало, ота-она, унинг ёнида жамоатчилик бўлиши керак. Ҳар бир маҳалладаги аҳвол фақат уни бошқараётган оқсоқолга эмас, ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотган қарияларимизга, оналик меҳри билан ҳар бир қадамни тарозуга соладиган фаол аёлларимизга аён бўлиши керак. Ёшларнинг бўш вақти бекорчиликка сарф бўлмаслиги учун жойлардаги ҳокимият вакиллари уларнинг қизиқишларини, интилишларини ҳисобга олиши лозим.

Ташаббус уларнинг ўзидан чиқади, фақат уларга далда, кўмак ва озгина рағбат керак. Ёшлар тарбиясини ўз ҳолига ташлаб қўйишга ҳаққимиз йўқ!

Ҳамид НОРҚУЛОВ.

Ойбек таваллудининг 100 йиллиги олдидан

«ҚАЛБДАН СЕВГИ ТОШДИ»

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан, жорий йилда атоқли адиб, академик Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек таваллудининг юз йиллиги мамлакатимизда кенг нишонланади. Шу муносабат билан жойларда кўплаб тадбирлар ўтмоқда, адиб ҳақидаги китоблар нашр этилаётир.

Абу Райҳон Беруний номидаги Давлат мукофоти совриндори, филология фанлари доктори Раъно Иброҳимованинг "Янги аср авлоди" нашриёт-матбаа маркази томонидан чоп этилган "Қалбдан севги тошди" китоби ҳам устоз адибга бағишланган.

Ундан Ойбекнинг Николай Тихонов, Ҳомил Ёқубов, Жуманиёз Шарипов, Матёқуб Кўшжонов, Абдулла Орипов каби замондошларининг адиб ҳақидаги хотиралари жой олган.

Китобда Ойбек уй-музейида сақланаётган кўплаб суратлар ҳам берилган.

(ЎзА).

Спорт

Терма жамоа таркиби эълон қилинди

Футбол бўйича миллий терма жамоамиз бош мураббийси Хайнц-Юрген Гёде жаҳон чемпионати саралаш учрашувида Кувайт ва Жанубий Корея терма жамоаларига қарши ўйинда майдонга тушадиган 25 нафар футболчи номини маълум қилди.

Терма жамоамизнинг олдинги таркиби деярли сақлаб қолинган. Бу сафар жамоа сафида Александр Гейнрих ҳам майдонга тушиши кутилаяпти. Фақат Саудия Арабистони футболчилари билан ўтказилган учрашувда йиғинга чақирилган ярим ҳимоячи Иброҳим Рахимов («Трактор»), ҳужумчилар Зафар Холмуродов («Насаф»), Улуғбек Бақоев («Тобол», Қозоғистон) терма жамоа рўйхатидан жой олмаган. Шунингдек, олдинги ўйинларда иккита сариқ карточка олганлиги сабабли ҳимоячи Андрей Фёдоров («Рубин», Россия) ҳам 25 март куни Кувайт билан ўтказиладиган учрашувда майдонга тушмайди.

Австрия сафари олдидан

Қозоғистонда қиличбозлик бўйича ўсмирлар ўртасида ўтказилган халқаро турнирда ҳамюртларимиз Павел Орлов, Гулмира Мамадалиева, Марина Андреева ва Роман Александровлар бронза медалини қўлга киритдилар.

Ҳозир қиличбозларимиз Австрияда ўтадиган жаҳон чемпионатига ҳозирлик кўришаётир.

З. ЖОНИБЕКОВ.

Корхона ва ташкилотлар диққатига !

ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА ВА ҚУРИЛИШ ҚЎМИТАСИ

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИНИНГ ҚУРИЛИШДА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ВА НАРХЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ҲУДУДИЙ КОНСАЛТИНГ МАРКАЗИ

қурилишни тўлалигича қуриб (калити билан) фойдаланишга топшириш шарти билан танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади:

1. **Самарқанд шаҳрининг «Каттақўрғон» маҳалласидаги спортзални қайта таъмирлаш.** *Қурилиш ишларини бажариш муддати — 4 ой.*
2. **Самарқанд шаҳридаги оқова сувларни тозалаш иншооти тармоқлари, хлорлаш иншоотини қайта таъмирлаш ва ташландиқ майдонларни ободонлаштириш.** *Қурилиш ишларини бажариш муддати — 6 ой.*
3. **Пойариқ тумани марказида сув иншооти қурилиши ва сув тармоқларини кенгайтириш.** *Қурилиш ишларини бажариш муддати — 2,6 ой.*
4. **Пойариқ туманининг Челак шаҳрида сув иншооти ва сув тармоғи қурилиши.** *Қурилиш ишларини бажариш муддати — 3 ой.*

Буюртмачи — Самарқанд вилояти ҳокимлиги инжиниринг компанияси.
Манзили: Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, 1-уй. **Телефон:** 35-82-86.
Қурилиш ишлари давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажриба ва кўникмаларга, шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига мурожаат қилиш мумкин:

Манзил: Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, корпус 2-«Г», 208-хона.
Телефонлар: 31-13-51, 33-32-00.

Ҳужжатларнинг бир тўплами (комплект) қиймати — 40000 сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати. Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдонида, соат 18.00 да Самарқанд вилояти ҳокимлиги биносининг кичик мажлислар залида ўтказилади.

Katris КОРХОНАСИ

МАКТАБ, КОЛЛЕЖ ВА ТИББИЙ МУАССАСАЛАР УЧУН

МЕБЕЛЬ

ИШЛАБ ЧИҚАРАДИ ВА СОТАДИ

МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН

Тел.: 90-07-87, 92-03-95, 158-15-73.

СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА !

Зангиота тумани давлат солиқ инспекциясидан солиқ тўловчи сифатида рўйхатдан ўтган, узоқ вақтдан бери фаолият кўрсатмай тўлов қобилиятига эга бўлмаган, қуйида номлари келтирилган корхоналар Тошкент вилояти хўжалик судининг ҳал қилув қарорларига асосан банкрот деб эътироф этилган:

- «Мевасабзавоттайёрловсавдо» шўъба корхонаси;
- «FOXSTROT-LIM» хусусий фирмаси;
- «ИРИС» МЧЖ;
- «Florensiya» хусусий ИЧТФ;
- «ОМАД-ЕЛЕН» хусусий фирмаси;
- «РАҲИМ-АБРОР-САВДО» ХФ;
- «Шароф-ота» хусусий ошхонаси;
- «AGZEPT» ХФ.

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида Зангиота тумани ДСИ биносида, 2-қават, 20-хонада қабул қилинади.

ОГНЕЗАЩИТНЫЕ МАТЕРИАЛЫ И ТЕХНОЛОГИИ

ООО «A plyus B — TURKISTON»

TURKISTON

РЕАЛИЗУЕТ

огнезащитные материалы, произведенные по лицензии западных фирм «PROJISO» (Франция) в г. Москве (огнезащитные штукатурки) и «ITALVIS PROTECT» (Италия) в Калининграде (огнезащитные краски). Система производства и менеджмента сертифицирована по ISO 9001.

Предлагаемые материалы предназначены для огнезащиты всех видов строительных конструкций и инженерных систем: для металлоконструкций, кабельной продукции, конструкций из древесины, огнезащитное покрытие для воздуховодов и систем дымоудаления с пределом огнестойкости до 180 минут.

Краски огнезащитные вспучивающиеся серии «ПРОТЕРМ» Протерм Стил. Протерм СЕ. Протерм Вуд

Оборудование для нанесения огнезащитных материалов Серии: М-Тек. PFT серия Eole

Минераловатные огнезащитные и теплоизоляционные материалы Девистрей. Фибротейн

Контроль толщины огнезащитных покрытий Толщиномер eXacto

Штукатурка огнезащитная Ньюспрей

Телефоны: (10 998 71) 133-02-08, 135-54-84 . Факс 135-36-35.
E-mail: a_plyus_b@fireproot.ru www.fireproot.ru

«ТРУБНАЯ МЕТАЛЛУРГИЧЕСКАЯ КОМПАНИЯ» (Российская Федерация) и

ОАО «УЗКОММУНМАШТАЪМИНОТ»

предлагают к реализации стальные трубы со склада в г.Ташкенте по нижеуказанным отпускным ценам.

Завод-изготовитель – «Северский трубный завод» (г.Полевской, Свердловская обл.)

Диаметры труб (мм)	Цена за 1 тонну сум. Цены действительны по 28.02.2005 г.

ТРУБЫ ВОДОГАЗОПРОВОДНЫЕ ГОСТ 3262-75:

ДУ 15х2,8 мм	944000	ДУ 40х3,0-3,5 мм	934000
ДУ 20х2,8 мм	944000	ДУ 50х3,0-3,5 мм	934000
ДУ 25х2,8-3,2 мм	944000	ДУ 100х4,5-5,0 мм	994000
ДУ 32х3,2 мм	934000		

ТРУБЫ ЭЛЕКТРОСВАРНЫЕ ГОСТ 10704-91; 10705-80:

76х2,8-4,5 мм	994000	114х3,0-6,0 мм	994000
89х5,0 мм	994000	159х5,0-6,0 мм	1199000
108х3,0-4,5 мм	994000		

Кроме того, под заказ поставляем металлические трубы любого диаметра и назначения с трубных заводов, входящих в состав «Трубной металлургической компании» (Россия):

- Волжский трубный завод (г.Волжский, Волгоградская область);
- Северский трубный завод (г.Полевской, Свердловская область);
- Синарский трубный завод (г.Каменск-Уральский, Свердловская область);
- Таганрогский металлургический завод (г.Таганрог, Ростовская область).

Контактные телефоны: 134-05-75, 134-07-94, факс 132-20-56.
E-mail: uzkommashta@tkt.uz
Адрес: 700035, г.Ташкент, ул.Ниёзбек йули, 1, 7-й этаж, здание института «Узбеккоммуналлойиха».

Товар сертифицирован, услуги лицензированы.

ЭЪЛОНЛАР

Қўқон шаҳрида жойлашган «Темир йўл иншоот таъмир» ОТҲЖнинг банкротлик масаласи вилоят хўжалик судининг 03.02.2005 йилдаги 15-04-02/647-сонли ажримига асосан 28.02.2005 йил куни соат 11.20да кўрилиши муносабати билан биринчи кредиторлар йиғилиши 2005 йил 24 февраль куни Қўқон шаҳар ДСИ биносида соат 10.00да ўтказилади.

Қўқон шаҳрида жойлашган «Дилором» ОТҲЖнинг банкротлик масаласи вилоят хўжалик судининг 03.02.2005 йилдаги 15-05-08/1024-сонли ажримига асосан 02.03.2005 йил куни соат 10.00да кўрилиши муносабати билан биринчи кредиторлар йиғилиши 2005 йил 24 февраль куни Қўқон шаҳар ДСИ биносида соат 11.00да ўтказилади.

Қўқон шаҳрида жойлашган «Қўқон одеяли» ОТҲЖни банкротлик масаласи вилоят хўжалик судининг 28.01.2005 йилдаги 15-05-05/854-сонли ажримига асосан 25.02.2005 йил куни соат 11.00да кўрилиши муносабати билан биринчи кредиторлар йиғилиши 2005 йил 24 февраль куни Қўқон шаҳар ДСИ биносида соат 17.00да ўтказилади.

Қўқон шаҳрида жойлашган «Шоҳи атлас» ОТҲЖни банкротлик масаласи вилоят хўжалик судининг 31.01.2005 йилдаги 15-05-04/774-сонли ажримига асосан 04.03.2005 йил куни соат 15.30да кўрилиши муносабати билан биринчи кредиторлар йиғилиши 2005 йил 24 февраль куни Қўқон шаҳар ДСИ биносида соат 14.00да ўтказилади.

Қўқон шаҳрида жойлашган «Кўнчи» ҲЖни банкротлик масаласи вилоят хўжалик судининг 07.02.2005 йилдаги 15-05-06/1264-сонли ажримига асосан 09.03.2005 йил куни соат 10.30да кўрилиши муносабати билан биринчи кредиторлар йиғилиши 2005 йил 3 март куни Қўқон шаҳар ДСИ биносида соат 11.00да ўтказилади.

Пахта толасини қайта ишлайдиган истеъмолчилар ва корхоналар диққатига!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТОВАР ХОМАШЁ БИРЖАСИ

2005 йил 24 февраль куни соат 15.00да республика истеъмолчиларига миллий валютага пахта толасини сотиш бўйича «Кимошди» савдоларини ўтказади.

Қатнашчиларни рўйхатга олиш савдо ўтказиладиган куни соат 10.00 дан Тошкент шаҳри, «Ўзбекистон» шоҳкўчаси, 53-«А» бинода (Давлат мулки кўмитаси биносининг чап қанотида) ўтказилади. Ҳудудий «Пахтасаноат» уюшмалари томонидан қўйилган пахта толасининг миқдори, ва бошланғич нархлари тўғрисидаги маълумотни Ўзбекистон Республикаси Товар хомашё биржасидан, унинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги филиалларидан олишингиз мумкин.

Маълумот учун тел./факс: 139-83-88.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 162. 32737 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшид Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Э. Болиев.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР: *Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.30 Топширилди — 21.30 23456